

ҲАММАМИЗ УЧУН ҚАДРЛИ УСТОЗ

Инсон ҳаётининг энг ёркин, эсда қоларли даври талаба-лик йиллари ҳисобланади. Зеро, уни бежиз олтин даврга қиёсламайдилар. 1974-1979 йилларда ТошДУда ўқиш давомида кўпгина машҳур адабиётшунос ва тилшунос олимлар, профессорлар сабоқларидан баҳраманд бўлганмиз. Жумладан, Аюб Ғуломов, Шавкат Раҳматуллаев, Озод Шарофиддинов, Лазиз Қаюмов, Субутой Долимов, Умарали Норматов, Карим Назаров, Бегали Қосимов, Ёрмат Тожиев каби илм фидойилардан олган билимимиз хануз бизга асқотмоқда, охирабларини обод бўлсин, устозларимизнинг.

Иккинчи курсни битиргач, бир ой давомида Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида, Фарғона, Шохимардонда диалектологик амалиётда бўлдик. Бизга Ёрмат Тожиев ва Муанбар Аъламовалар раҳбарлик қилишди. Бозорларга бордик, хонадонларда бўлдик, турли маҳаллаларда аҳоли билан суҳбатлашиб халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олдик. Пешиндан кейин ётоқхонага бориб, ёзиб келганларимизни сарҳисоб қилардик, узимиз ҳам таом тайёрлардик. Шу амалиёт давомида Ёрмат ака бизга оталардек меҳрибон бўлиб, ҳар куни кайфиятимизга қараб муомала қилардилар. Баъзан халқ оғзаки ижодидан намуналар ёзолмай қуруқ қайтиб келсак, «Эртага ҳаммаси яхши бўлиб кетади», деб таскин берганлар. Қизлар кийимга ўч, баланд пошна туфлилар урфга кирганди. Пулимиз етмай қолса, Ёрмат ака бериб турардилар, лекин бирор марта кимга қанча берганларини ёзиб қўймасдилар. Кечқурунлари ҳаммамиз суҳбатлашиб ўтирардик, албатта, Ёрмат ака ва Муанбар опанинг она тилимиз ҳақидаги суҳбатлари беназир эди. Шохимардонга борганимизда кун иссиқ эди, ариқларда шиша бутилкаларда яхна чойлар бўларди, оқиб кетмаслиги учун ёғочга ип билан боғлаб қўйишаркан. Таомдан олдин шу сувдан олиб берардилар. Муздек сув танамизни яйратарди.

Кейин бирор чойхонага буюриб келган таомларини мазза ки-
либ ердик. Бир ой давомида ота-боладек бўлиб кетдик. Қўли
Қуббон, Сулаймон тоғлари ҳамон ёдимизда. Биз устозимиз
Ёрмат акадан шу амалиёт ёдда қоларли ўтганидан жуда мам-
нунмиз.

Кейинчалик пахта теримида ҳам бизга Ёрмат ака бош
бўлдилар. Биз билан бир баракда яшадилар, биз билан бир-
га овқатландилар, алоҳида қозон осилмасди. Фақат кечки
овқатдан сўнг, юрак безилларди. «Штаб» бўларди. Кам пахта
терганларни «штаб»га чақиришарди. Мен ҳам бир-икки мар-
та кирганман. Лекин Ёрмат ака бугун яхши термаган бўлса,
эртага теради, деганлар. Ортасига эса бир этак пахта териб
берганлари ҳамон эсимда. Курсдош йигитлардан ҳам ёрдам-
лашишни сўрардилар. Ҳа, устозимиз шундай меҳрибон, биз-
га ўз фарзандларидек меҳр қўйган эдилар.

Пахта теримидан кейин эса талабчан устозга айланарди-
лар. Бизга морфологиядан, методикадан дарс берганлар. Ҳар
бир маърузаларини бош кўтармай ёзиб олишга интилардик.
Кейинчалик дарс бериш жараёнида, педагогик амалиётларда
бу бизга катта ёрдам берди.

Ҳа, филология фанлари доктори, профессор Ёрмат Тожи-
ев нафақат тилшуносликдан, одамийликдан ҳам бизга сабоқ
бердилар. Орадан қирк йил ўтгач, курсдошлар учрашдик. Бу
учрашувда азиз устозимиз Ёрмат Тожиев ва Дилбар Қамба-
ровалар кун давомида биз билан бирга бўлдилар. Аввал уни-
верситетда, кейин бир пиёла чой устида суҳбатлашдик.

Устозларимиз уша-уша, камтар, самимий эдилар.

Ёрмат ака билан телефонда гаплашиб турардик. Курсдо-
шимиз доцент Вазира Каримжоновадан ҳар биримизни
сўраб, салом айтиб юборардилар. Байрамларда бизларни
уялтириб, доим ўзлари биринчилардан бўлиб қўнғирок ки-
либ табриклардилар. Шунча ишдан ортиб вақт топиб, қўнғил
сўраганларига қойил қолардик устозимизга.

Ҳазрат Алишер Навоийда шундай мисралар бор:

*Бу гулишан ичра йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик бирла от.*

Устозимиз Ёрмат Тожиев ўзларидан яхши ном, яхши шо-
гирд, яхши фарзандлар қолдириб кетдилар. Қизлари Одина-
хон, Нодирахон ота изидан бориб, фанимиз равнаки учун ка-
марбасталар. Устознинг охиратлари обод бўлсин.

*Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Созлом авлод учун» ордени соҳибаси,
ЎзР Халқ таълими аълочиси*